

Бақара сураси, 79-оят

09:05 / 02.10.2017 4410

Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни озгина баҳога сотиш учун: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдиганларга вайл бўлсин! Қўллари билан ёзган нарсалари туфайли уларга вайл бўлсин! Касб қилган нарсалари туфайли уларга вайл бўлсин! Бақара 79.

Ояти карима зикр қилган «арзон баҳо» ҳақида Имом Ҳасан Басрий:

«Арзон баҳо дунё ва унинг нарсаларидир», – деганлар. Дунёга молу бойлик, мансаб ва бошқалар киради.

Ушбу ояти каримада инсон томонидан содир этиладиган энг улкан жиноятлардан бири ҳақида сўз кетмоқда. Бу ояти каримада дунё тарихидаги энг улкан жиноятлардан бирини содир этган нобакорга дуоибад бўлмоқда.

«Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни озгина баҳога сотиш учун: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдиганларга вайл бўлсин!»

Ушбу ва бошқа ояти карималардаги «вайл» сўзининг икки хил маъноси бор. Ҳалокат ҳамда Вайл исмли дўзах. Ушбу икки маънони жамлаб ифода қилиш мақсадида таржимада асл ибора – «вайл»ни келтиришни лозим кўрдик.

Молу дунё, мансабу амал, айшу ишрат ва ҳузур-ҳаловат йўлида билиб туриб, дин аҳкомларини бузадиган аҳли жаҳолатнинг сифати будир! Ундай жоҳиллар ўзларига диний илмларни билиш нисбатини берадилар. Улар кишиларга диний таълим бериш, дин аҳкомларини баён қилиб бериш даъвосини қиладилар. Бошқа кишилар, хусусан диний илмлардан беҳабарлар ёки етарли илми бўлмаганлар эҳтиёжлари тушганда, ана ўша диний илм соҳиби эканини даъво қилиб юрган шахсларга мурожаат қиладилар. Ҳақиқий диний олим бундай пайтда Аллоҳнинг ҳукмини тўғри ҳолда айтиб беради. Сохта диний олим эса вазиятга қарайди. У ўзининг дунёвий манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяди. У ўзига фойда етиши учун Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол дейиши ёки аксинча, Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром дейиши турган гап. Шундай қилиб, улар динни бузадилар. Натижада ҳамма ёқ расво бўлади. Шунинг учун ҳам оятда

ундай кишиларга ҳалокат тилаб, дуои бад қилинмоқда. Ҳа,

«Қўллари билан ёзган нарсалари туфайли уларга вайл бўлсин! Касб қилган нарсалари туфайли уларга вайл бўлсин!»

Яҳудийларнинг омилари ўз динларини ўрганмай, хомхаёллар билан юрар эдилар. Уларнинг олимлари эса динни арзон баҳога сотар эдилар.

Омилари ва олимларининг ҳоли шундай бўлган қавмнинг иймонга келишидан умидвор бўлиш мумкинми?! Тафсирчи олимларимиз «Оятлар Бану Исроил ҳақида нозил қилинган бўлса ҳам, улар ҳаммага тегишлидир», – деганлар.